


Менга ёнишни ўргатинг, уста!



07:45 / 19.03.2019 3361

- Яхши, қўлинг тез келишди. Болғани ўз вақтида ур! Олдин ёки кейин урмагин! Бир хил оҳангда ва эҳтиёт бўлиб ур!

- Қара, Бишр, кўряпсанми? Темир ҳам юқалашди. Ана шундай. Аста-секин юмшаб, бошқача шаклга киради.

- Ҳа, уста. Ҳақиқатан чиройли шаклга кирди. Қанийди мен ҳам шунга ўхшаб ўзгарсам.

- Ёнган ўзгаради.

- Ёнган?

- Ҳа. Ёниш керак!

- Ёнмоқ истайман! Ёнишим керак! Ёниш! Менга ёнишни ўргатинг, уста!

- Бу жуда қийин иш!

- Чидайман!

- Ҳар лаҳза тавба қилиш керак!

- Тавба қилдим!

- Ҳаром луқма ема!
- Емайман!
- Ҳаром жойга борма!
- Бормайман!
- Зино қилма!
- Қилмайман!
- Кибрланма!
- Яна!
- Ҳақ бўлсанг ҳам жанжаллашма!
- Яна!
- Омонатга хиёнат қилма!
- Яна!
- Бировнинг дилини оғритма!
- Яна!
- Бировнинг ҳаққини ема!
- Тавба қилдим! Ҳаром емайман! Ёлғон гапирмайман! Бировнинг дилини оғритмайман! Ҳеч ким билан жанжал қилмайман! Бировнинг омонатига хиёнат қилмайман! Кибрланмайман!
- Олов темирни қиздиргани каби Аллоҳ сенинг гуноҳларингни ёқиб, кулга айлантурсин!